

АТРОФ-МУҲИТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАРАХТ ВА БУТАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Рўзимова Х.К.

Самдўчбутф доценти,

Абсаломова Г.А., Аҳмедова Г.Ш.

Самдўчбутф талабалари

E-mail: x.ruzimova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Маълумотларга кўра, дараҳтлар ҳаводан корбанат ангидридни ютиб, ўрнига кислород ишлаб чиқаради ва ҳавони тозалайди. Жонли мавжудотларнинг хилма-хиллигига ҳисса қўшади. Бир дараҳт турининг йўқолиши 30 турдаги ҳайвон турларининг йўқолиб кетишига сабабчи бўлади! Дараҳтлар ери эррозиядан сақлайди ва тупроқни мустаҳкам ушлайди. Уларнинг илдизлари сувни филтрлаб, сувларнинг сифатларини яхшилайди. Дараҳтлар сув буғи ажратиб чиқариб, об-ҳаво ҳароратлари орасидага фарқ катта бўлиб кетишининг олдини олишга ҳисса қўшади.

Калит сўзлар: дараҳт, бута, атмосфера, газлар, барг, қонун, шаҳар, саноат, аҳоли пунктлари, ҳарорат, ўрмонлар.

КИРИШ

“Агар дунёда чанг бўлмаганида, инсон минг йил умр қўради”, деб айтган эди улуғ аллома, тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино. Атроф муҳит мусаффолигини таъминлашда эса, дараҳтлар инсониятнинг беминнат кўмакдошлариdir. Улар ҳаводаги заарли карбонат ангидридни ютиб, ўрнига кислород ишлаб чиқаради ва бизнинг нафас олишимизга ёрдам беради. Улар иссиқда салқинлик беради, атроф-муҳитни шовқинлардан ҳимоя қиласади. Маълумотга кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича 3 трлн. атрофида дараҳт мавжуд. Бироқ ҳар бир дақиқада уларнинг 27 та футбол майдонига тенг қисми кесилмоқда. Афсуски, бу борадаги аҳвол мамлакатимизда ҳам мақтанарли даражада эмас. Шу сабаб, Ҳурматли Президентимизнинг мазкур Фармонида

сўнгги йилларда аҳоли пунктларини кўкаlamзорлаштириш, дараҳт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилаётганини, шу билан биргаликда, қимматбаҳо навли дараҳт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилинганлиги, дараҳт кесганлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар микдорининг оширилганлиги алоҳида таъкидланган.

Республикамизда ўзининг гўзал табиати билан асрлар давомида ўзининг асл табиий манзарасини сақлаб келаётган шаҳар, қишлоқ ва тоғ-адирлар жуда кўплаб топилади. Самарқанд шаҳринингўзида кўп сонли табиатга мос ўсимликлар билан келтирилган тақрорланмас турли ҳил дараҳтлар ўсиб ривожланмоқда. Шунингдек Тошкент шаҳрида 250 хилдан ортиқ манзарали дараҳт ва буталар ўсмокда. Бугунги кунда баланд дараҳтлардан – заранг, эман, қайрағоч, чинор, терак, каштан, катальпа, гледичия, ақация, қарағай; гулловчи буталардан -форзиция, настарин, япон ноки, сурия атиргули, багряник, Вангутта спиреяси, дейция, буддлея; экзотик флорадан - ўткир барги заранг, Америка шумтоли, япон сафораси, шамшод, сарв каби ўнлаб турлари пойтахтимизнинг кўркига-кўрк қўшиб турибди. Ўзларининг бизга етказиб берәётган кислороди билан қимматбаҳо ҳисобланади.

Манзарали дараҳт ва буталардан ташкил топган боғу-роғлар атрофимиздаги оламнинг ўзига хос ва зарурий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Зеро, улар бизнинг кескин минтақавий иқлим шароитимизда атроф табиий муҳитни шакллантириш вазифасини ўтайди. Ушбу дараҳтлар биз учун **биринчидан**, ҳаво ҳарорати ва намлигини мўтадиллаштиради. Масалан, ёз жазирамасида кундуз кунлари ҳарорат $C^{\circ}38-42$ ва ундан ҳам ортиқ даражага кўтарилганда очик жойларда айниқса, асфальт-бетон юзаси, қуёшга қараган бинолар ҳарорати $C^{\circ}60-70$ даражагача чиқади. Айнан худди шундай пайтда боғ ва хиёбонларда, яъни дараҳтзору-бутазорлар билан қопланган ҳудудларда қуёш радиацияси оқимининг камайиши туфайли ҳарорат ўртacha $8-10^{\circ}C$ даражага паст бўлади. Аксинча, ҳаво намлиги ўртacha 20-35 фоизга кўп бўлади.

Биз учун иккинчидан, инсон нафас олиб турган атмосфера ҳавоси таркибидаги кислород ва CO_2 (ис гази) балансини ушлаб туради. Маълумки, дараҳт ва буталарнинг яшил барглари юзаси инсон хаёти учун зарур бўлган кислородни ис газини ютиши орқали атрофга чиқаради. Бу жараённинг боришига фанда фотосинтез жараёни деб атайдилар. Ундан ташкари дараҳт ва буталар барглари турли газлар - азот оксиди, олгингугурт, фторли водород, кислота буғи балансини ушлаб туришда ҳам бевосита аҳамият касб этади. Лекин, атмосфера ҳавосидаги газ алмашув жараёни ва ҳаводаги турли қўшилмаларни ўзига ютиш хусусиятлари ҳамма ўсимликларда бир ҳил эмас. Бу борада игна

барглилар кенг баргли дараҳат ва буталарга тенг кела олмайди. Агар иғна баргли арчаларнинг хаводаги газ алмашув жараёнида иштирок этиш тезлигини 100 фоиз деб олсак. Унда кенг баргли дараҳтларда бу кўрсаткич ўртача 120 фоизга тенг. Майин баргли қарагайда 155 фоиз, жука(липа)да 240 фоиз. эмандада 455 фоиз, берлин терагида -591 фоизга тенг.

Биз учун учинчидан, юртимизда аҳоли пунктлари атмосфера ҳавоси, айниқса, ёз ойларида кучли даражада чангланиши билан ажралиб туради ва бунда унинг чўл худудларидан эсадиган гармсел шамолларининг атроф муҳитга салбий таъсири каттадир. Бундай шароитда дараҳтлар ва бутазорларнинг чанг ушлаб қолиш хусусияти алоҳида аҳамият касб этади. Қанча дараҳт ва буталар бўлишига қарамасдан барибир чанг ҳамма жойда эркин учиб юради.

Чанг ушлаб қолиш самарадорлиги дараҳтларнинг канчалик зич жойлашувига ва барглари юзасига боғлиқдир. Барглар юзасидаги ёпишқоқ моддалар ва иғна барглардаги ўзига хос елимлар вегетация даври бошланишида кучайиб, кейин аста-секинлик билан камайиб боради. Чунки баргларнинг ёпишқоқлиги ва ғадир-будурлиги канча кучли бўлса, шунчалик кўп чангни ушлаб колади. Баҳор фаслида барча ўсимликлар чангни кўпроқ ушлаб қолади, кузга келиб бу ҳолат камаяди. Масалан:

- ўтқир баргли заранг - 1,0 г/м²,
- майда баргли жука (липа) -1,3 г/м²,
- можар настарини (сирень) - 1,6 г/м²,
- қайрағоч - 3,4 г/м².

Шоҳ-шаббаси тарвақайлаб кетган ва барглари ажинли, ғадир-бутирли дараҳтлар энг кўп чанг ушлаб қолиш хусусиятига эга. Умуман олганда, маълумотларга кўра, иғна баргли дараҳтлар бир йилда гектарига 30-40 тонна чангни ушлаб қолса, кенг баргли дараҳтлар 100 тоннагача чангни ушлаб қолади. Ёки барг юзаси қанча катта бўлса шунча кўп миқдорда чанглар ушлаб қолинади.

Ўсиб ривожланиб турган дараҳтлар ва бутазорларнинг санитар-гигеник хусусияти учувчи ва учмайдиган моддалар - фитонцидлар, кучли ривожланган оғрик, келтириб чиқарувчи микроорганизмлар - сил таёқчалари, ок, ва тилларанг стафилококк (шингилсимон, ғуж бўлиб яшайдиган ва турли касаллик келтириб чиқарадиган юмалок бактериялар), гемолотик стрептококк (йирингли яллиғланиш бактерияси), вабо вибриони ва бошқаларни ўзидан ишлаб чиқариши билан ўзига хосдир.

Теварак атрофимиизда ўсувчи эман ва терак барглари иҷбуруғни қўзғатувчиларни йўқ қилиш хусусиятига эга моддаларни ўзидан чиқаради. Иғна баргли дараҳтлар фитонцидлар ишлаб чиқаришда ўзига хос юқори уринда туради. Масалан, бир гектар майдондаги арча бир кеча-кундузда 30-40

килограммгача, қарагай ва қора қарагай 20-25 килограмм микдорда атмосфера ҳавосида учрайдиган бактерияларни ўлдирадиган учувчан моддалар ажратиб чиқаради. Бундай микдордаги фитонциidlар катта шаҳардаги барча микробларни ўлдириш учун етарлидир. Баргли дараҳтлардан ок акас (акация), сохта каштан, оддий қайнин, татар заранги, қайрағоч, тол, олма фитонциidlарнинг энг асосий манбаидир. Ўсимликларнинг фитонциidlар ажратиб чиқариш хусусияти дараҳтларни куртаклаш ва гуллаш палласида, шунингдек, иссиқ ва қуёш таъсирида кучаяди.

Катта шаҳарлардаги табиий муҳитни соғломлаштиришда, тозалашда игна ҳамда кенг баргли дараҳтлар ва буталар таъсиридаги ҳавонинг ионлашуви муҳим аҳамият касб этади. Атмосфера ҳавосининг сифати ионларнинг енгилини оғири билан ижобий зарядланишига таъсири натижасида ҳавонинг ифлосланиш даражаси аниқланади. Масалан, атмосфера ҳавосининг юзасида 1 см^3 да мавжуд енгил ионлар сони:

- ўрмонларда - 3000-4000;
- шаҳар боғларида- 900;
- саноат зоналарида- 300-400;
- кўп қаватлик ёпиқ биноларда- 25-70.

Маълумки ўрмонларда ионлашган тоза ҳаво энг кўп учрайди, катта шаҳарларга яқинлашиб келгани сари атмосфера ҳавоси ифлосланиб боради.

Турап жойлардаги атмосфера ҳавосининг ионлашув даражасининг ўзгартирилиши инсон организмига ижобий таъсир ўтказиб, юрак қон-томир, нафас олиш ва қон айланиш тизими фаолиятинининг бир маромда олиб боришига сабаб бўлади.

Дараҳт ва бута кесиш орқали ўсимлик дунёсига кўп ва жуда кўп микдорда зарар етказилса, яъни қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси юқори бўлган ҳолатларда миллий қонунчиликда айборларга нисбатан жиноий жавобгарликни куллаш кўзда тутилган.

Дараҳтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, қундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш - жаримага сабаб бўлади.

Қайд этиш керакки, дараҳтларни кесиш доим ҳам қонунга зид ёки табиат зарари учун қилинмайди. Баъзи ҳолатларда дараҳтлар чиригани ёки бошқа сабаб билан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгач кесилади. Шу ўринда қайд этиш керакки, қайси ташкилотлар, қандай ҳолатларда дараҳтларни кесиши мумкинлиги қуидагича белгилаб берилган:

<p>Кесишга рухсат берилган дарахтларнинг 1,3 м баландликдаги танасининг диаметри (см)* (дарахтларни ноқонуний кесишида дарахт танасининг ер билан туташган жойидаги диаметри олинади)</p>	<p>Битта дарахтни кесиш учун берилган рухсатнома қиймати микдори (белгиланган <u>ЭКИХ</u> микдорига нисбатан коэффициентларда)</p>	
	<p>кам қимматли дарахтлар тури учун: айланта, акация, япон софораси, терак ва б.**</p>	<p>қимматли (ёғочбоп) дарахтлар учун: ёнғоқ, писта, бодом, қарағай, барча турдаги арчалар, шарқ биотаси, эман, чинор, шумтол, оққайин, каштан, лола дарахти, магнолия, форзиция, тут ва б.</p>
4 см гача	0,2	0,4
4,1 – 8	0,3	0,6
8,1 – 12	0,4	1,0
12,1 – 16	0,6	1,3
16,1 – 20	1,0	1,8
20,1 – 24	1,5	2,5
24,1 – 28	1,8	3,5
28,1 – 32	2,3	4,5
32,1 – 36	3,3	5,5
36,1 – 40	4,4	6,5
40,1 – 44	5,2	8,0
44,1 – 48	6,2	9,5
48,1 – 52	7,2	10,5
52,1 – 56	8,2	11,5
56,1 – 60	9,2	13,5
60,1 – 64	10,5	14,5
<p>64 см дан ортиқ диаметрнинг ҳар бир сантиметри учун түлов 0,5 коэффициент микдорида ошади</p>		
<p>* Буталарнинг диаметри (см да) илдиз бўғзидан ўлчанади. ** Кам қимматли ва қимматли ёғочбоп дарахтларнинг умумий рўйхати Фанлар академияси билан келишилган ҳолда Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланади.</p>		

Агар дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равищда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 79-моддасидасига мувофиқ — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўриниб турибдики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, экология ва атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш, кўкаламзорлаштириш ва “Яшил макон”лар барпо этишни жадаллаштириш, дарахтзор ва бутазорларни асраш ва шу каби бугунги кундаги энг долзарб вазифаларни ҳал этишда ўта муҳим ҳуқуқий манба бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 йил..
2. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфъатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сон Фармони. Тошкент, 2017.
5. Сатторов З.М. “Экология” Дарслик. Тошкент “Сано-стандарт” 2018 й.
6. Ёрматова Д.Ё.,Х.С.Хушвақтова экология ва табиатни муҳофaza қилиш. Дарслик. “Фан ва технология”.Тошкент.2018й.
7. Каюмов А.А., Якубов Ў.Ш.Раҳимов А.К.Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофaza қилиш.Тошкент. Ўқув-қўлланма.,,Фан” 2011й.
8. Ахборот манъбалари: hhttp://www.Ecoloc.com.